



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 Х. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ  
 РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ

# ЎЗБЕКИСТОН СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ



Ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий

**ЖУРНАЛ**

**2022 №1(4)**

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

*ЧОРИЕВ Беруний Акбарович,  
Тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD),  
тиббий хизмат майори*

Қуrolли Кучлар суд-тиббий экспертиза марказининг (Лаборатория) тарихи Совет армиясининг суд-тиббий экспертиза муассасаларининг изчил тизимини ташкил этган профессор М. И. Авдеев номи билан чамбарчас боғлиқ. М. И. Авдеев ҳарбий экспертларни ўзига юклатилган вазифа учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш, ҳар бир эксперт тадқиқотини қатъий илмий асосда, назария ва амалиёт уйғунлашган ҳолда олиб боришга интилди. Михаил Иванович ўша йилларда шифокорларнинг суд-тиббий экспертиза тадқиқот ишларига қизиқишини уйғотган.

Туркистон ҳарбий округи суд-тиббий лабораторияси Михаил Ивановичнинг ташаббуси билан 1945 йилда ташкил этилган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Авдеев Михаил Иванович 1901 йилда Смоленск шаҳрида тугилган. У 1918 йилда Москва давлат университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради. 1923 йилда 1-Москва давлат университетининг тиббиёт факультетини тамомлаб, университетнинг суд тиббиёти бўлимида тадқиқотчи бўлиб ишлаган. 1924 йилда М.И. Авдеев қизил армия таркибида Туркистон фронтига юборилган. У ерда кичик шифокор бўлиб хизмат қилган. 1937–1939 йилларда 1-Москва давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёти бўлимига раҳбарлик қилган. 1941–1945 йилларда ҳарбий суд-тиббий экспертиза муассасалари тизимини ташкил этиб, унга 1970 йилгача раҳбарлик қилган. 1942 йилдан СССР Мудофаа вазирлигининг Бош суд-тиббий эксперти ва СССР Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий тиббий бошқармаси Марказий суд-тиббий лабораторияси бошлиғи бўлган. Уруш бошиданок М.И. Авдеев ҳарбий суд-тиббий экспертизанинг мустақил тузилмасини ташкил этиш зарурлигини тушунади ва уни яратиш учун ишлар олиб боради. 1943 йилдан ҳарбий патологоанатомик лабораториялар суд-тиббий экспертларга ўтказилган.

М. И. Авдеев қизил армиянинг бош суд-тиббий эксперти этиб тайинланган. 1943 йилнинг охирига келиб, мутахассислар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳарбий суд-тиббий экспертизанинг тўлиқ тизимини ташкил қилиш, уларнинг вазифаларини белгилаш, тайёрлаш ва такомиллаштириш тизими



аник ҳисоб-китоблар бўйича тайёрланган. У ҳарбий суд-тиббий лабораториялари ташкил қилиниши, иш фаолиятини бошлаши, ўзига юклатилган вазифаларни ҳал этишда юқори ҳаётийлик ва самарадорликни намоён этган. М. И. Авдеев ҳар доим ҳарбий экспертларнинг махсус тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратган. Унинг ташаббуси билан Тошкентда Туркистон ҳарбий округи 90-суд-тиббий лабораторияси ташкил қилинган.

Туркистон ҳарбий округи 90-суд-тиббий лабораторияси 1945 йилда ташкил қилинган, унинг биринчи раҳбари доктор Чернов бўлиб, у бу ерда қисқа муддат фаолият олиб борган. Муассасанинг ишини ташкил этиш, малакали кадрлар билан таъминлашдаги асосий қийинчиликлар 1951 йилгача лабораторияда ишлаган тиббий хизмат полковниги Г.И. Городниченконинг зиммасига тушган. 1951 йилдан бошлаб лаборатория жамоасини В.И. Суворов бошқарган.

Тиббий хизмат полковниги Суворов Виталий Иванович 1918 йил 24 январда ҳуқуқшунос оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1940 йилда Ивановский тиббиёт институтига ўқишга киради. Виталий Иванович

ўқишни битиргач, Буя туманлараро суд-тиббий экспертизасида ва шу билан бирга Буядаги шифохонада шифокор сифатида ишлай бошлаган. 1941 йилда қизил армия 258-тиббий батальонининг қабул қилиш ва саралаш бўлимида жарроҳ сифатида хизмат фаолият олиб борган. 1942 йил декабрда 52-патологоанатомия лабораторияси, сўнгра 82-лаборатория бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланган ва у ерда суд-тиббий экспертизага бевосита жалб қилинган. Ҳарбий суд-тиббий экспертизани тиббий хизматнинг мустақил қисмига ажратиш билан Виталий Иванович Суворов 11-ҳарбий суд-тиббий эксперти этиб тайинланган. У уруш тугагунга қадар бу армияда хизмат қилиб, 1943–1945-йиллардаги жангларда иштирок этган. Ҳарбий суд-тиббий экспертизанинг оғир масъулиятли вазифаларини бажарган Виталий Иванович янги текширув турларини ўзлаштиришда алоҳида қобилиятларини намоён этган. У ҳақли равишда малакали, тажрибали, юқори принципиал мутахассис ҳисобланган. Виталий Иванович урушдан кейин уни туман суд-лаборатория бошлиғи ва 1947 йилда Лелнисада жойлашган Шимолий кучлар гуруҳида суд-тиббий лаборатория раҳбари (Германия





собик худуди) этиб тайинланган ва у 1951 йилгача шу лавозимда хизмат қилган. 1951 йилда В.И. Суворов Туркистон ҳарбий округи суд-тиббий лабораторияси бошлиги этиб тайинланган ва умрининг охиригача ушбу лавозимда хизмат олиб борди. 1969 йил 19 июнда Туркистон ҳарбий округи Бош суд-тиббий эксперти, тиббиёт хизмати полковниги, Қозогистон ССР фахрий шифокори Виталий Иванович Суворов фожиали ҳалок бўлган.

Виталий Иванович суд тиббиёти ва криминалистика назарияси ва амалиётининг турли масалалари бўйича бир неча ўнлаб илмий мақолалар ёзган. Бу асарлар ўзининг долзарблиги ва мавзунини чуқурроқ англаши билан ажралиб туради.

Лабораториянинг кейинги фаолияти В.Л. Попов номи билан боғлиқ. У лабораторияда фаолият олиб бориш мобайнида илм ва амалиётни чуқур ўрганишга киришади ва бир нечта илмий мақолалар чоп этади.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Попов Вячеслав Леонидович 1961 йилда С.М. Киров номидаги ҳарбий-тиббиёт академиясини тугатгач, бир қатор суд-тиббий экспертиза лабораторияларида мутахассис шифокор ва суд тиббий эксперт лавозимларида хизмат қилган. 1969 йилда Туркистон ҳарбий округи суд-тиббий экспертиза лабораторияси бошлиги этиб тайинланган. 1974 йилга қадар ушбу лабораторияни бошқаради. 1974 йилдан С.М. Киров номидаги ҳарбий тиббиёт академиясида катта ўқитувчи, 1976 йилдан бошлаб суд-тиббий экспертиза бўлими бошлиги лавозимида хизмат олиб борган. Унинг раҳбарлигида суд-криминалистика лабораторияси ташкил этилган. 1976 йилдан тиббиёт фанлари номзоди, доцент Козаченко Игорь Николаевич бошқарган.

У 1940 йил 21 декабрда Харьков шаҳрида тугилган. У Харьков тиббиёт институтини тугатганидан сўнг, ҳарбий хизматга чақирилган. Шу билан бирга у ҳарбий гарнизоннинг мустақил суд-тиббий эксперти лавозимида хизмат қилган. Профессорлар М.И. Авдеев, В.Л. Попов, В.В. Томилин каби олимлардан кўпгина сабоқлар олган. 1969 йилдан фаолиятини тўлиқ ҳарбий суд-тиббий экспертизада бошлади. У қуйидаги лавозимларда хизмат қилган:

1969–1979 йилларда Шимолий Кавказ ҳарбий округидаги 124-суд-тиббий лабораторияда катта врач-мутахассис, 1979–1989 йилларда Туркистон ҳарбий округидаги 90-суд-тиббий лабораториянинг бошлиги, 1989–1993 йилларда 63-суд-тиббий экспертиза лабораторияси Бош суд-тиббий эксперти. 1994 йили Куролли Кучлардан захирага бўшатиладиган сўнг, Харьков тиббиёт академиясида суд-тиббий экспертиза бўлими катта ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинган.

1989 йилдан бошлаб лабораторияни т/х подполковниги Дурель Виктор Владимирович бошқарган. У мустақиллик йилларига қадар ушбу лабораторияда суд-тиббий эксперт лавозимида хизмат олиб борди.

1991 йилдан 1994 йилга қадар тиббий хизмат подполковниги Жоров Анатолий Владимирович ушбу лаборатория бошлиги сифатида фаолият олиб борган. 1994–1995 йиллар кичик вақт давомида тиббий хизмат катта лейтенанти Ш.Тоғаймуродов, 1995–1998 йилларда тиббий хизмат капитани Носиров Тўлқин Каримович ушбу лабораторияда бошлиқ сифатида фаолият олиб борган.

Ушбу лабораториянинг ривожланиши, етакчи мутахассислар билан тўлдирилиши, лабораториянинг экспертиза текширув имкониятларининг кенгайиши ва истиқболи асосан 1998 йилдан бошланган. Ушбу йилдан бошлаб лабораторияга тиббий хизмат полковниги, тиббиёт фанлари номзоди Хужманов Утамурод Мамарасулович раҳбарлик қилган.

Унинг ташаббуслари билан 2001 йилдан бошлаб суд-тиббий экспертиза ва патологик анатомия лабораториялари қўшилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий суд-тиббий ва патологик анатомия лабораториясига айлантирилган. 2014–2016 йиллар давомида экспертизага т/х подполковниги, соғлиқни сақлаш аълочиси, Примов Хайрулла Нарзуллаевич раҳбарлик қилган.

Унинг раҳбарлигида суд-тиббий экспертизанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қайта тайёрланган. Х.Н.Примов асли патоморфолог бўлиб, бир қанча мураккаб экспертизаларнинг гистологик текширувларида илмий асосланган хулосалар чиқаришда ва тўсатдан ўлим ҳолатларида мурдаларнинг ўлим сабабини аниқлашда суд-гистологик текширувлар-

ни ўтказиб, якуний тўхтамга келишда жуда кўп машаққатли хизматлари билан ҳарбий суд-тиббий экспертизанинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Х.Н.Примов ҳозирги кунга қадар марказда фаолият олиб бориб, бир қатор ёшларга ўз тажрибалари билан илм ўргатишда, шогирдлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатмоқда. 2016-2017 йиллар давомида лабораториянинг вақтинчалик раҳбари қилиб т/х подполковниги М.Қ.Сайдахмедов тайинланади. 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар т/х подполковниги В.Н.Ниязов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг ташаббуси билан Марказий суд-тиббий ва патологик анатомия лабораторияси 2021 йилдан Қуролли Кучлар суд-тиббий экспертиза марказига айлантирилди.

Бугунги кунда Қуролли Кучлар суд-тиббий экспертиза маркази суд-тергов амалиётида юзага келадиган кенг қўламли мураккаб

амалиётларни замон талабларига мос ҳолда текширувлардан ўтказиб, суриштирув, тергов ва суд органларига амалиётда кенг қўламли кўмак беришга қодир бўлган Давлат суд экспертиза муассасасидир.

Мукамал жиҳозларга эга бўлган экспертиза мутахассислари тирик шахслар ва мурдалар суд-тиббий экспертизаси, суд-биология, суд-кимё, суд-криминалистика, суд-баллистик, суд-гистологик ва суд-тиббий экспертизаларининг деярли барча турларини ўтказишга, замонавий текширув усулларини қўллаш амалиётига эга ҳисобланади. Марказда барча экспертлар олий малака тоифасига эга бўлиб, шундан 3 нафари тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга.

Келажақда марказда экспертизанинг янги турларини амалиётга жорий қилиш ва ДНК текширувини ўтказишни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Исақов Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII – начале XX вв. Ташкент, 2009. – 156 с.
2. Муртазаева Р. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. Ташкент: Узбекистан, 2010. – 152 с.
3. Смесо́ва Е.А. Русские духовно-культурные учреждения в Туркестане (во второй половине XIX – начале XX вв.): автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011. – 34 с.
4. Жукова Л.И. Чтобы взлететь, птица должна быть гордой. / Ташкент, 2012. – 325 с.
5. Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. – Центральная Азия в составе Российской империи. – М. – 2008. – 464 с.
6. Цыряпкина Ю.Н. Переселенческое сообщество в Сырдарьинской области Туркестана по донесениям царской администрации начала XX в. // Известия Алтайского государственного университета. – 2015. – № 4 (88). – С. 285–289.
7. Швердин М.И. Джейхун. – Ташкент: издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. – 1983. – 231 с.
8. Полевые материалы автора 2015. Ташкент, М., Русский, 44 года.
9. Цыряпкина Ю.Н. Деятельность Русских военных врачей в ходе организации медицинского дела в Ташкентском уезде Туркестана во второй половине XIX – начале XX вв. Вестник Кемеровского государственного университета. – 2017. – [Электронный ресурс] – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-russkih-voennyh-vrachev-v-hode-organizatsii-meditsinskogo-dela-v-tashkentskom-uezde-turkestana-vo-vtoroy-polovine-xix-nachale>.



